

Иш рақами 1-1604-2401/23
Биринчи инстанцияда раислик
қилган судья – Э.Абдуллаев

Апелляция инстанциясида
маърузачи судья - Б.Абдуллаев

НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ

2024 йил декабрь ойининг 18 куни, Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг ўз биносида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: судья Д.Мадаминов,

ҳайъат судьялари Б.Бабамирзаева ва Б.Абдуллаевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Эргашевнинг котиблигида, тарафлардан Наманган вилояти прокуратураси бўлим прокурори Р.Абдуллаев, судланган Б.Шамшиддинов ва унинг ҳимоячиси – адвокат К.Исматуллаев, жабрланганлар М.Ортиков, С.Ташбоев, Б.Рузиев ҳамда жабрланган М.Мамиталиеванинг қонуний вакили Р.Туялиевнинг иштирокида, Шамшиддинов Баҳромжон Лутпиддиновичга оид жиноят иши жабрланганлар М.Ортиков, С.Ташбоев, Б.Рузиев ҳамда жабрланган М.Мамиталиеванинг қонуний вакили Р.Туялиевнинг апелляция шикоятларига асосан кўрилиб, қуйидагилар

а н и қ л а н д и :

Жиноят ишлари бўйича Мингбулоқ туман судининг 2024 йил 23 сентябрдаги ҳукмига кўра,

Шамшиддинов Баҳромжон Лутпиддинович, 1985 йил 26 июль куни Тўрақўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, “Sharq charm” МЧЖ раҳбари, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Наманган туман судининг 2010 йил 3 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси, 189-моддаси 3-қисми, 243-моддаси, 227-моддаси 1-қисми билан 45,57,59-моддаларига асосан 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 11.680.000 сўм жарима, иш ҳақининг ўттиз фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман судининг 2011 йил 3 январдаги ажримига асосан ЖК 44-моддаси тартибида жарима жазоси ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жазоларни тўлиқ ўтаган, судланганлик ҳолати тугалланган;

2) жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман судининг 2023 йил 28 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг



169-моддаси 2-қисми “д” банди билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, ҳозирда ўталмаган жазоси 1 йил 8 ойни ташкил қилган, Тўрақўрғон тумани, “Беруний” МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 48-уйда яшаган, иш бўйича уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилганга,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 59-моддаси 8-қисми тартибида иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 7 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, 62-моддаси тартибида 1 йил 9 ой 23 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б.Шамшиддинов ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, текиндан бойлик орттириш мақсадида, Хожиев Шухрат Абдулвоҳидович (ишни унга оид қисми 12.08.2024 йил куни алоҳида иш юритувга ажратилиб қидирув эълон қилинган) билан бир гуруҳ бўлиб, 2023 йил 24 октябрь куни жабрланувчи Рузиев Баҳромжон Зоҳиджон ўғлининг яшаш хонадонига келиб, Б.Рузиевга ўзларини мош савдоси билан шуғулланишларини, унинг мошларини ҳар бир килограммини 7600 сўмдан сотиб олишларини айтиб, Б.Рузиевнинг умумий нархи 20.193.000 сўмлик 2657 килограмм мош маҳсулотларини олиб кетиб, Б.Рузиевнинг ишончига кириш учун унга 2.445.610 сўмга тенг бўлган 200 АҚШ долларини бериб (30.10.2023 йил ҳолатига 12 228.05 сўм) ва унинг отаси Фозилов Зоҳиджон Рузиевични номига бу ҳақида тилхат ёзиб бериб, қолган пулларини 20 кун ичида беришларини айтиб алдаб, мош маҳсулотларини тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга сотиб юбориб, пулларини Б.Рузиевга бермасдан ўзларининг эҳтиёжларига сарфлаб юборганликда;

такроран, 2023 йил 25 октябрь Ш.Хожиев билан бир гуруҳ бўлиб, жабрланувчи Ортиков Муроджон Собиржоновичнинг яшаш хонадонига келиб, М.Ортиковга ўзларини мош савдоси билан шуғулланишларини, унинг мошларини ҳар бир килограммини 7800 сўмдан сотиб олишларини айтиб, М.Ортиковнинг умумий нархи 25.165.000 сўмлик 3611 килограмм мош маҳсулотларини олиб кетиб, М.Ортиковнинг ишончига кириш учун унга 1.222.805 сўмга тенг бўлган 100 АҚШ долларини бериб, қолган пулларни 20 кун ичида беришларини айтиб алдаб, мош маҳсулотларини тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга сотиб юбориб, пулларини М.Ортиковга бермасдан ўзларининг эҳтиёжларига сарфлаб юборганликда;

такроран, 2023 йил 30 октябрь куни Ш.Хожиев билан бир гуруҳ бўлиб, жабрланувчи Ташбоев Садриддин Солижановичнинг яшаш хонадонига келиб, С.Ташбоевга ўзларини мош савдоси билан шуғулланишларини, унинг мошларини ҳар бир килограммини 7700 сўмдан сотиб олишларини айтиб, С.Ташбоевнинг умумий нархи 27.720.000 сўмлик 3600 килограмм мош маҳсулотларини олиб кетиб, пулларини 20 кун ичида беришларини айтиб алдаб, мош маҳсулотларини тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга сотиб юбориб, пулларини С.Ташбоевга бермасдан ўзларининг эҳтиёжларига сарфлаб юборганликда;



такроран, 2023 йил 30 октябрь куни Ш.Хожиев билан бир гуруҳ бўлиб, жабрланувчи Рузматов Бахтиёр Қахрамон ўғлининг яшаш хонадонига келиб, Б.Рузматовга ўзларини мош савдоси билан шуғулланишларини, унинг мошларини ҳар бир килограммини 7700 сўмдан сотиб олишларини айтиб, Б.Рузматовнинг умумий нархи 17.402.000 сўмлик 2260 килограмм мош маҳсулотларини олиб кетиб, пулларини 20 кун ичида беришларини айтиб алдаб, мош маҳсулотларини тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга сотиб юбориб, пулларини Б.Рузматовга бермасдан ўзларининг эҳтиёжларига сарфлаб юборганликда;

такроран, 2023 йил 30 октябрь куни Ш.Хожиев билан бир гуруҳ бўлиб, Мамиталиева Махсуда Абдирашитовнанинг яшаш хонадонига келиб, М.Мамиталиевага ўзларини мош савдоси билан шуғулланишларини, унинг мошларини ҳар бир килограммини 8300 сўмдан сотиб олишларини айтиб, М.Мамиталиеванинг умумий нархи 25.000.000 сўмлик 3000 килограмм мош маҳсулотларини олиб кетиб, М.Мамиталиеванинг ишончига кириш учун унга 5.000.000 сўм бериб, қолган пулларни 20 кун ичида беришларини айтиб алдаб, мош маҳсулотларини тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга сотиб юбориб, пулларини М.Мамиталиевага бермасдан ўзларининг эҳтиёжларига сарфлаб юборганликда айбли деб топилган.

Жабрланганлар М.Ортиков, С.Ташбоев, Б.Рузиев ҳамда жабрланган М.Мамиталиеванинг қонуний вакили Р.Туялиевлар апелляция шикоятларида, жиноят иши бўйича етказилган зарар қопланмагани, Б.Шамшиддинов уларни алдаб, биринчи инстанция судига етказилган зарарлар қоплангани ҳақида ариза беришга кўндиргани ҳақида важлар келтириб, етказилган зарарлар қопланмаганлиги сабабли Б.Шамшиддиновга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни сўраган бўлса-ларда, апелляция инстанция судида шикоят важларини ўзгартириб, етказилган зарар тўлиқ қоплангани, Б.Шамшиддиновга нисбатан даъволари йўқлигини маълум қилиб, ишни қонунан кўриб ҳал қилишни сўрадилар.

Судланган Б.Шамшиддинов эътирозномасида, етказилган зарар қопланганини маълум қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдирилишини сўраган.

Апелляция инстанцияси, судья Б.Абдуллаевнинг иш бўйича маърузасини, жабрланганлар М.Ортиков, С.Ташбоев, Б.Рузиев ҳамда жабрланганнинг қонуний вакили Р.Туялиевнинг шикоятларни қаноатлантириш, судланган Б.Шамшиддинов, ҳимоячи К.Исматуллаев ва прокурор Р.Абдуллаевнинг шикоятларни қаноатлантирмай қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши материаллари асосида таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини қаноатлантирмай қолдиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди ҳақиқий ҳолатни аниқлашда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабларига мувофиқ жиноят ишини синчковлик билан, ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб, асосли хулосага келган.

Суд қарорида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94, 95-моддалари тартибида баҳоланган далиллар билан асослантилган.



Судланган Б.Шамшиддиновнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этгани ўзининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланганлар М.Ортиков, С.Ташбоев, Б.Рузиев, Б.Рузиматов ҳамда жабрланган М.Мамиталиеванинг қонуний вакили Р.Туялиевларнинг унинг айбини фош қилиб берган кўрсатувлари, аризалар, нарсани кўздан кечириш ва олиш баённомаси, тилхат, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори, тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ исботини топган.

Биринчи инстанция суди Б.Шамшиддиновнинг жиноий қилмишларини ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

“Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 6-бандида судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принцигига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги тушунтирилган.

Биринчи инстанция суди юқоридаги Қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига амал қилиб, иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, Б.Шамшиддиновга жазо тури ва меъёрини белгилашда, унинг қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий шароитини, оилада ягона боқувчилигини, оилада икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, жиноятни содир этишига фаол ёрдам берганлигини, жабрланувчиларнинг жиноят натижасида



етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани, даъвоси йўқлиги ва қонуний енгиллик бериш ҳақидаги талабини инобатга олиб, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, тайинланган жазони 59-моддаси 8-қисми тартибида қўшиб, 62-моддаси тартибида чегириб, қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилган.

Гарчанд, жиноят ишини биринчи инстанция судида кўрилиши давомида жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар амалда реал қопланмаган бўлса-да, ишни апелляция инстанция судида кўриш давомида зарар суммаси Б.Шамсиддинов томонидан нақд пул кўринишида тўлиқ қопланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 30-бандида, жабрланувчи суд мажлисида ўзига етказилган моддий зарарлар амалда қопланганлигини билдириб, ихтиёрий ёзма ариза тақдим қилганлиги натижасида моддий зарарлар қопланганлиги эътироф қилинган суднинг ҳукми (ажрими), кейинчалик жабрланувчининг ушбу зарар қопланмаганлиги ҳақидаги важи асосида юқори инстанция судлари томонидан суд ҳукми (ажрими)нинг бекор қилинишига ёки ўзгартирилишига сабаб бўлмаслиги тушунтирилган.

Қайд этилган асосларга кўра, апелляция инстанция суди ҳукми ўзгартириш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, шикоятни қаноатлантирилмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497¹⁷, 497¹⁸, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанция суди

а ж р и м қ и л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Мингбулоқ туман судининг 2024 йил 23 сентябрдаги Шамсиддинов Баҳромжон Лутпиддиновичга нисбатан чиқарган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

| | | |
|-------------------------|------|----------------|
| Раислик қилувчи: | имзо | Д.Мадаминов |
| Ҳайъат судьялари: | имзо | Б.Бабамирзаева |
| | имзо | Б.Абдуллаев |
| “Аслига тўғри” | | |
| Вилоят судининг судьяси | | Б.Абдуллаев |

